

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi, 100135, Toshkent sh., Bunedkor ko'chasi, 52-A uy, tel.:2767557, faks:2769776, e-mail: korifey_afi@mail

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Хоразмдонмахсулотлари» АЖ га. Манзил: Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти Урганч тумани Чоткупир қишлоғи, индекс 220504, e-mail don01_13@mail.ru, Ҳисоб рақами: 20208000504015962001 АТБ Агробанк Урганч шаҳар филиали МФО 00548, СТИР 203024531, ИФУТ 10.61.0.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti Манзил: 100135, Тошкент шаҳри Бунёдор кўчаси 52А уй, телефон: (0-371) 276-75-57, факс: (0-371) 276-97-76 Ҳисоб рақами: 20208000604131303001, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки Тошкент шаҳар Бош Бошқармаси қошидаги Амалиёт бошқармаси, МФО 00451, СТИР 203667490, ИФУТ 69.20.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2001 йил 07 августда № 669 сон билан рўйхатга олинган, 2013 йил 10 июнда № 669 сон билан қайта рўйхатга олинган Гувохнома, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 1-апрелда берилган 00744 сонли лицензияси, СК «GARANT INSURANCE GROUP» МЧЖ суғурта компанияси томонидан 21-май 2019 йилда берилган № GI 014427 - сонли суғурта полиси.

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti директори Тверянкин Владимир Борисович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2010 йил 18-декабрда берилган 04899-сонли сертификати)

MChJ «KORIFEY-AUDIT» auditorlik tashkiloti аудитори Юсупов Максудбек Матназарович (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 19-февралда берилган 04514-сонли сертификати) тамонидан, «Хоразмдонмахсулотлари» АЖ билан 2020 йилнинг 14-февралида тузилган № 10/20 сонли шартномага асосан «Хоразмдонмахсулотлари» АЖ нинг «Бухгалтерия баланси» Ф№1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№2, «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 4, «Хусусий капиталлар тўғрисидаги ҳисобот» Ф№ 5 ларнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Хоразмдонмахсулотлари» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хужалик юритувчи «Хоразмдонмахсулотлари» АЖ нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МChJ «KORIFEY-AUDIT»


auditorlik tashkiloti

Директори :-




Тверянкин В.Б.

Аудитор:-



М.М.Юсупов.

2020 йил «27» март



Рег. №10